



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР Бектемир ТУМАН ҲОКИМЛИГИ

# ЛИЦЕНЗИЯ

УС № 011074 \*

Мазкур лицензия билан МЧН шаклидаги «UCP MICRO»  
Ўзбекистон-Британия қўшма корпорацияси га

**УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ** ни амалга оширишга рухсат берилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани  
Олтинтоғон кўчаси, 22а-й

Солиқ тўловчи-лицензия эгасининг идентификация рақами 201043960

Лицензия берилган сана 2014 йил 25 сентябр

Лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Реестр бўйича тартиб рақами 231-02

Ваколатли шахс:

С.Т. Мақометов

(Ф.И.О.)

(имзо)



*Изоҳ: Лицензиянинг нотариус томонидан тасдиқланмаган нусхаси ҳақиқий ҳисобланмайди*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улгуржи савдо  
фаолиятини амалга ошириш учун  
**ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ**

Тошкент ш.

№ 231-02

« 25 » 09 2014 йил

Мазкур лицензия битими, бир томондан, куйида «Лицензияловчи орган», - деб аталувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаментининг Бектемир туман Бошқармаси бошлиғи Ш.Д.Эргашов ва иккинчи томондан, куйида «Лицензиат», - деб аталувчи МЧН «МикроС» УЎҚ МИКРОС» Ўзбекистон  
Британия Кучумо Корп. номидан М.В.Хришчов ўртасида тузилди.

Ушбу битимга мувофиқ томонлар куйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу битим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 242-сонли қарори»га мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Лицензиат томонидан улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу битим мақсадлари учун куйида қайд этиладиган ва Битимда фойдаланадиган атамаларнинг моҳияти куйидагилардан иборат:

«Битим атамаси «**Лицензияловчи орган**» билан «**Лицензиат**» ўртасида ушбу лицензия битимини, шу жумладан битимга таълуқли барча иловалар, ўзгартиришлар ва қўшимчаларни, «**Фаолиятни лицензияловчи тури**», «Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш» фаолиятини, «**Битим томонлари**» атамаси вазиятга қараб «Лицензияловчи орган»ни ёки «Лицензиат»ни ифодалайди.

1.3. Битим ҳар иккала томон имзолагандан сўнг, дарҳол кучга ва амалга киради. Лицензия «Лицензияловчи орган» томонидан ушбу битим имзоланган кундан бошлаб, чекланмаган муддатга берилади.

1.4. Ушбу битим шартларига ўгартиришлар томонлар ўртасида ёзма келишув натижасидагина киритилиши мумкин.

### II. ЛИЦЕНЗИАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Лицензиат куйидаги ҳуқуқларга эга:

- лицензиялаштирилаётган фаолият турини амалдаги конун ҳужжатларида, шунингдек «Лицензияловчи орган» талабларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш;

- фаолиятнинг лицензиялаштирилаётган турини таъминлаш бўйича юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ва бажариш;

- «Лицензияловчи орган»нинг лицензияни амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш, чакириб олиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиши мумкин.

2.2. «Лицензиат»нинг мажбуриятлари:

- Ўзбекистон Республикасида фаолиятнинг лицензиялаштирилаётган турини Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 242-сонли қарорига мувофиқ амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи конун ҳужжатларига риоя қилиш;

- энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдорида, улардан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорида пул маблағлари билан шакллантирилган Устав фонди мавжуд бўлишини таъминлаш;

- мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган товарлар сотилган тақдирда мувофиқлик сертификатлари ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёхуд уларнинг нусхалари мавжуд бўлишини таъминлаш;

- тегишли назорат қилувчи органларга лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан сўралган зарур ахборотни тақдим этиш;

- «Лицензияловчи орган»нинг биринчи талаби бўйича лицензиялаштирилган фаолият тури бўйича зарур ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш;

- лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгаргандан кейин бир ҳафта муддатда «Лицензияловчи орган»га кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш учун «Лицензияловчи орган»га мурожаат қилиши шарт;

- лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензия берилганлиги учун давлат божини тўлаши шарт;

- «Лицензияловчи орган»га тақдим этилган ҳужжатлар, ахборотлар ва бошқа маълумотларнинг ҳаққонийлигига «Лицензиат» шахсан жавобгардир.

### **III. ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. «Лицензияловчи орган»нинг ҳуқуқлари:

- «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ лицензиянинг амал қилишини ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш;

- суд тартибида лицензиянинг амал қилишини ўн кундан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш;

- лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ва уни бекор қилишни «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23 ва 24-моддаларига мувофиқ амалга ошириш;

- амалдаги қонунчилик талаблари доирасида лицензиат томонидан лицензия битимининг шартлари ва талабларига амал қилинишини текшириш.

3.2. «Лицензияловчи орган»нинг мажбуриятлари:

- ушбу битимга алоқаси бўлмаган масалалар бўйича «Лицензиат»нинг хўжалик фаолиятига аралашмаслик;

- «Лицензиат» талаб қилганда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда лицензиялар реестрдан уларга тегишли ахборотни тақдим этиш;

- лицензияни қайта расмийлаштириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, лицензияни қайтариб олиш ва бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, бу ҳақда лицензиатга ўз вақтида ёзма равишда маълум қилиш.

### **IV. БОШҚА ҚОИДАЛАР**

4.1. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия «Лицензияловчи орган» томонидан чекланмаган муддатга берилади ва лицензия битими «Лицензияловчи орган» билан «Лицензиат» ўртасида чекланмаган муддатга тузилади.

4.2. Йўқолган ёки яроксиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

4.3. Лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Лицензияловчи орган» томонидан назорат қилинади.

4.4. Битим тузган томонлар ушбу битим бўйича у билан боғлиқ бўлган ёки уни талқин этиш муносабати билан вужудга келадиган барча низоларни дўстона вазиятда ҳал этиш учун бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

4.5. Ушбу битимдан келиб чиқадиган масалалар бўйича томонлар ўртасида ҳамда ҳар қандай келишмовчиликлар дўстона равишда ҳал этилиши мумкин бўлмаган тақдирда, томонларнинг ҳар бири қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судига мурожаат қилишлари мумкин.

4.6. Ушбу битим 2 нусхада – «Лицензиат» ва «Лицензияловчи орган» учун бир нусхадан тузилади.

## V. ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМИ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу битимнинг шартлари бажарилиши учун жавобгардирлар.

5.2. «Лицензиат» ушбу битимнинг талабларини бажармаган тақдирда, улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга берилган лицензия амал қилишини ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш «Фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ равишда «Лицензияловчи орган» томонидан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини ўн кундан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади.

5.3. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- «Лицензиат» лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

- юридик шахс тугатилганда – тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда – қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

- «Лицензиат» лицензия битимида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маратаба қўпол равишда бузганда;

- «Лицензиат» лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни «Лицензияловчи орган» белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

- «Лицензияловчи орган»нинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги суд томонидан аниқланганда.

5.4. Мазкур лицензия битимининг 5.3. бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида белгиланган ҳолатларда улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияни амал қилишини тўхтатиш ва лицензияни юридик бекор қилиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

5.5. «Лицензияловчи орган» ушбу битим билан белгиланган мажбуриятларини бажариш, шунингдек лицензиянинг амал қилишини асоссиз тарзда тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиши учун жавобгардир.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

### «Лицензияловчи орган»

Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаментининг Бектемир туман Бошқармаси  
Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,  
Ҳ.Бойқаро кўчаси, 2-уй.  
х/р 2021 0000 0029 2681 5001  
ОАТ «Алоқа банк» бош офиси  
ИНН – 202380391 МФО – 00401



Ш.Д.Эргашов

«Лицензиат»  
TASIKENT, O'ZB.ORGAN-22A  
R/S2021400000457671001  
BANK: AUC CAPITAL BANK  
IFO: 00974  
R/SZ021400000457671001  
BANK: ZAB UT BANK MFO: 00395  
NN201043960 OJDNHTS400

